

1-1-2019

## THE IMPORTANCE OF INVESTMENT IN MODERNIZATION OF INDUSTRY OF UZBEKISTAN

I.J. Jahongirov

*Fergana Polytechnic Institute, jahongirov@inbox.ru*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot>

---

### Recommended Citation

Jahongirov, I.J. (2019) "THE IMPORTANCE OF INVESTMENT IN MODERNIZATION OF INDUSTRY OF UZBEKISTAN," *Economics and Innovative Technologies*: Vol. 2019 : No. 1 , Article 3.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot/vol2019/iss1/3>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Economics and Innovative Technologies by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

## ЎЗБЕКИСТОН САНОАТИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

**Жаҳонгиров Илимдоржон Жаҳонгиржон ўғли,  
Фарғона политехника институти тадқиқотчиси  
E-mail: [jahongirov@inbox.ru](mailto:jahongirov@inbox.ru)**

**Аннотация:** Мақолада жаҳон иқтисодиётидаги глобаллашув шароитида инновация ва инвестиция жараёнларининг иқтисодий мазмуни, ўзаро алоқадорлиги тадқиқ этилган ҳамда республика саноатини модернизациялашга инвестицияларни жалб этишни фаоллаштириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** инновация, инвестиция, инновацион инвестициялар, саноатни модернизациялаш.

**Аннотация:** В статье представлены научные предложения и практические рекомендации по экономическому контексту взаимосвязи инновационно-инвестиционных процессов в мировой экономике и привлечению инвестиций в модернизацию национальной промышленности.

**Ключевые слова:** инновация, инвестиция, инновационные инвестиции, модернизация промышленности.

**Abstract:** The article presents scientific proposals and practical recommendations on the economic context of the relationship of innovation and investment processes in the global economy and attracting investment in the modernization of the national industry.

**Key words:** innovation, investment, innovation investment, industrial upgrading.

### Кириш

Иқтисодий ислохотларни жадаллаштириш даврида миллий иқтисодиётни барқарорлаштириш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларига эришиш вазифаси қўйилмоқда. Шу боисдан ҳам инновацион-инвестицион фаолликни оширишга катта эътибор қаратилмоқда. “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси” да белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, 2019 йил - “Фаол инвестиция ва ижтимоий ривожланиш” йили деб номланиши ҳам бежизга эмас.

Инвестиция фаолиятини янада фаоллаштириш асосида иқтисодий ўсишга эришиш ва хўжалик тизимини инновацион тараққиёт йўлига ўтказиш стратегик жиҳатдан республика иқтисодиётини бозор муносабатларига ўтказиш даврида инвестицияларнинг иқтисодий табиатини ҳамда ишлаб чиқариш соҳасини технологик янгилашда улардан самарали фойдаланиш механизмининг янгича илмий изоҳлашни талаб этади. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришган. Шу сабабли Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев: “Инвестиция билан бирга турли соҳа ва тармоқларга, ҳудудларга янги технологиялар, илғор тажрибалар, юксак малакали мутахассислар кириб келади, тадбиркорлик жадал ривожланади”[1], деб таъкидладилар.

Ҳозирги иқтисодий вазиятда жаҳон бозорларида рақобат шиддат билан кучайиб бораётган бир пайтда миллий иқтисодиётнинг тармоқ ва технологик тузилмаларини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан узлуксиз янгилаб бориш, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга

ошириш, тармоқларни модернизация ва диверсификация қилишни изчил давом эттириш масалалари иқтисодий сиёсатимизда тобора муҳим аҳамият касб этиб, бу каби вазифаларни амалга оширишда тузилмавий ўзгаришларни чуқур тадқиқ этиш масаласи долзарб илмий муаммо бўлиб қолмоқда.

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Хорижий ва миллий муаллифлар П.Самуэльсон, С.И.Абрамовнинг асарларида инвестиция бозори, инвестициялашнинг молиявий таъминоти, инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва самарадорлигини баҳолаш, асосий инвестиция манбалари, инвестиция рисклари, мамлакат ва минтақадаги инвестиция муҳити, молиявий инвестицияларни бошқариш, инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш усуллари, инвестициялаш ва тадбиркорликнинг алоқадорлиги каби кўпгина масалалар илмий жиҳатдан ишлаб чиқилган[3,17].

Шу билан бир қаторда, ҳозирги амалиёт иқтисодий ўсишга, барча даражадаги хўжалик тизимлари инновацион тараққиёт йўлига ўтишининг тўлақонли ресурс таъминоти билан боғлиқ кўпгина масалаларни қайта талқин қилиш бўйича иқтисодий фан олдида янги талабларни кўндаланг қўймоқда. Нашр ва инвестицияларда ҳар хил турлари шартлилигини бошқариш амалиётида уларнинг мутаносиб ўзаро алоқадорлиги тўлиқ ҳисобга олинмаган. Ишлаб чиқариш соҳасини илмий-техник ўзгартириш омиллари ҳамда уларни шакллантириш ва самарали фойдаланиш комплекс механизми сифатида инвестиция ресурсларини такрор ишлаб чиқаришга янгича ёндашув Ўзбекистон иқтисодиёти рақобатбардошлигини ошириш, уни илмий-технологик жиҳатдан янгилаш ва иқтисодий ўстиришга қаратилган ишлаб чиқариш соҳасидаги инвестиция фаолиятини фаоллаштириш бўйича вилоят ва маҳаллий даражаларда ишлаб чиқиладиган ва амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг асосланганлигини ва натижавийлигини анча ошириш имконини беради.

Иқтисодиёт янги ишлаб чиқаришларни вужудга келтириш ва амалдагиларини модернизация қилиш, истеъмол бозорини талаб қилинаётган товар ва хизматлар билан тўлдириш, пировардида эса жамиятни ривожлантириш ижтимоий мақсадларига эришиш учун янги техника ва технологияларни ўзлаштириш, даромад олиш учун маблағлар оқиб киришига муҳтождир. Бундай маблағлар сифатида одатда пул ресурслари, банк қўйилмалари ва пайлар, акциялар, технологиялар, машиналар, ускуналар, патентлар, лицензиялар, шу жумладан, товар белгилари, кредитлар ҳамда мулкӣ ва мулкӣ бўлмаган ҳуқуқлар, жумладан, интеллектуал ва ишлаб чиқариш мол-мулки ўрганилади. Қиймат шаклида баҳоланадиган барча бу маблағлар инвестицияларнинг асосий мазмунини ташкил этади.

Ромаш М. В., Шевчук В. И. ларнинг асарларида “инвестициялар” иқтисодий тушунчасининг турли талқинлари инвестицияларнинг асосий вазифаларини шакллантиришга асос бўлади [16]. Такрор ишлаб чиқаришнинг ишлаб чиқариш босқичи учун ресурсларни шакллантиришни уларнинг таркибига киритиш зарур.

Бундан ташқари, ҳозирги иқтисодиётни модернизациялаш ва технологик қайта жиҳозлаш даврида қўйидаги инновацион ресурсларни шакллантириш талаб этилади:

а) янги турдаги техника, янги технологиялар, янги материаллар, янги даражадаги малака ва билимлар;

б) замонавий такрор ишлаб чиқариш асосий институтларини реструктуризациялаш;

в) капитал янги таркибий тизимини ҳосил қилиш;

г) хўжалик тизимларини ва бутун миллий иқтисодиётни таркибий қайта қуриш;

д) хўжалик тизимини инновацион тараққиёт йўлига ўтказишнинг ресурс таъминоти. Инвестицияларнинг мазкур вазифаси инвестиция омилларининг инновацион омиллар билан объектив боғлиқлиги, уларнинг илмий-техник ва инновацион фаолиятдаги иштироки билан белгиланади;

е) бандлик муаммосининг ҳал қилиниши, ижтимоий соҳа ва инвестициялашнинг бошқа ижтимоий самаралари билан боғлиқ ижтимоий вазифалар гуруҳи;

ж) иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини тартибга солиш.

Мазкур ёндашувга кўра, “инвестициялар” ва “инновациялар” тушунчаси ўзаро узвий боғлиқдир. Бу яна инвестицияларни объектига кўра, таснифлашда ҳам кузатилади:

- молиявий ресурслар (пул маблағлари, мақсадли банк қўйилмалари, пайлар, қимматбаҳо қоғозлар);

- моддий ресурслар (машиналар, ускуналар);

- интеллектуал қийматлар (патентлар, ноу-хау, технологиялар)[16].

Халқаро иқтисодий муносабатлар амалиётида бу ресурслар мос равишда, портфель, қаттиқ (тўғридан-тўғри) ва юмшоқ ресурсларга ажратилган. Кўпинча моддий ва интеллектуал бойликлар инновациялар ролида чиқади, бу кўпроқ интеллектуал бойликнинг мазмуни билан белгиланади. Шунини таъкидлаш керакки, замонавий иқтисодий адабиётларда инновацияларнинг мазмун-моҳиятини тушунишга қуйидаги ёндашувлар учраб туради.

Биринчи ёндашув тарафдорлари Хартманн Хауштайн, Лапин В. Н., Валента Ф., Санто Б., Никсон Ф., Медынский В. Г., Завлин П. Н. каби иқтисодчи-олимлар инновацияларни янги буюмлар, унсурлар, усуллар, тамойиллар ва ҳ.к.ларни амалдагиларининг ўрнига киритиш жараёни сифатида тасаввур қиладилар[4,5,6,7,10,12,13,15,18,21,22].

Иккинчи ёндашув вакиллари Авсянников Н. М., Кулагин А. С., Шумпетер Й. лар инновацияларни янги маҳсулот (техника), технология, усул ва ҳ.к. лар кўринишидаги ижодий жараённинг натижаси сифатида талқин қиладилар[2,9,23].

Шу билан бир қаторда, Кейнс Дж., Пиннингго И.П., Яковец Ю., Б.А. Райзберг, Л.Ш. Лозовский, Е.Б. Стародубцева, Б.Г. Дякин каби муаллифлар инновацияларни таърифлашда кўрсатилган ёндашувларни дастлаб унга объект сифатида таъриф бериб, кейин эса унинг жараён сифатидаги таърифини келтирадилар[14,19,25].

Кўрсатилган тадқиқотчиларнинг инновацияларнинг иқтисодий тушунча сифатидаги мазмун-моҳиятини таърифлаш масаласидаги катта ҳиссасини инкор этмаган ҳолда инновацияларнинг ижтимоий маҳсулот қиймат шаклидаги  $s + v + m$  таркибига таъсирининг йўналиши ва хусусиятларига алоқадорлиги нуқтаи назаридан мавжуд ёндашувларни тўлдириш лозим.

Ҳақиқатан ҳам, инновацияларни саноат жиҳатдан ўзлаштириш жараёни биринчидан, энергия ва ресурстежамкор технологияларни жорий этиш билан, бу ишлаб чиқариш воситаларини такрор ишлаб чиқаришга йўналтириладиган

воситаларнинг қисқаришига олиб келади; иккинчидан, интеллектуал меҳнат катта салмоқидан таркиб топган юқори технологияли товарларнинг фаол ишлаб чиқарилиши билан; учинчидан, яхшиланган истеъмол қийматига эга бўлган янги маҳсулотни бозорда сотиш билан, бу фойдани кўпайтириш имкониятини белгилайди.

Шундай қилиб, инновация деганда аниқ ижтимоий-иқтисодий тизимда илгаридан номаълум қўшилган қийматни ошириш манбаи сифатида чиқадиган ҳамда фан ва илфур тажриба ютуқларига асосланган такрор ишлаб чиқариш жараёнларини интенсифлаштиришнинг самаралироқ усули тушунилади. Шунини қайд этиш керакки, инновацияларни қўшилган қийматларни кенгайтириш манбаи сифатида чиқадиган такрор ишлаб чиқариш жараёнларини интенсифлаштиришнинг самарали усули сифатида ўрганиш, фикримизча, инновацияларнинг иқтисодий тушунча сифатидаги муҳим аҳамиятли хусусияти ҳисобланади. Бундан ташқари, инновациялар – бу инвестицияланиши иқтисодиётнинг юқори технологияли таркибини яратишни, янги технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этишни, юқори қўшилган қийматли рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва экспорт қилишни таъминлайдиган соҳадир. Аммо иқтисодий тараққиётнинг юқори суръатлари ва самарадорлиги нафақат инвестицияланаётган капитал миқдори билан, балки инновациялар ҳисобига таъминланадиган унинг сифати билан ҳам асосланади. Бироқ турли ноишлаб чиқариш объектларини яратишдаги инвестицияларнинг юқори салмоғи уларнинг паст сифатидан далолат беради. Бу эса маҳсулотлар рақобатбардош эмаслиги шароитида иқтисодиёт хўжалик юритиш механизмнинг бузилиши ва молиявий инқирозни ўзига жалб қилиши мумкин. Инвестицион-инновацион жараённинг фаол ривожланиши sanoatning диверсификацияланишига, иқтисодиёт негиз тармоқларининг модернизациясига, шу орқали қўйилган капитал қайтимининг ошишига олиб келади. Буни ривожланган мамлакатларда ЯИМ ўсишининг тахминан 50-70% ига ФТТ, янги технологиялардан фойдаланиш ҳисобига эришилиши ҳолати ҳам тасдиқлайди.

Шундай қилиб, “инновациялар-инвестициялар” – бу ягона ўзаро боғлиқ тизим, аниқроғи эса инновациялар инвестицияларнинг юқори сифат даражасини таъминлайди деган хулосага келиш мумкин. Инновацион инвестициялар омилини шакллантириш ва ундан самарали фойдаланишнинг натижавийроқ, янги механизмини излаш учун инвестиция ресурсларини такрор ишлаб чиқариш хусусиятларини ҳамда “инновацион инвестициялаш”, “инновацияларга инвестициялар”, “янгиликларга инвестициялар” тушунчаларининг янгиланган мазмунини кўриб чиқиш тахмин қилинмоқда.

Олимларнинг асарларида бозор механизмнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда янги турдаги техникани такрор ишлаб чиқариш ва унинг хусусиятлари муаммоси батафсил ўрганилган. Янги турдаги техника каби бундай муҳим инвестиция ресурсларини такрор ишлаб чиқариш хусусиятлари қаторига қўйидагиларни қўшимча равишда киритиш жоиз:

- барча дастлабки инвестиция ресурсларининг алоҳида бир бутунлиги ва инновационлигини;
- ҳаётий цикли охирига қадар барча янги турдаги техникани сақлаш кафолати билан истеъмол қилиш босқичида ўз хоссаларини ишлаб чиқариш заруратини;
- венчур капитали аҳамиятининг кескин ошиши;
- фан, ишлаб чиқариш ва бозор интеграциясини;

- тадбиркорлик ресурсининг анча ошган ролини.

Янги технология каби мураккаб инвестицион ресурсни такрор ишлаб чиқариш хусусиятлари қатор ҳолатлар билан белгиланади: биринчидан, технологияларнинг ресурс сифатидаги хусусиятлари билан (технология – илмий-техник билимлар, жараёнлар, материаллар, ускуналар, ташкил қилиш ва бошқаришнинг бир бутун мажмуи бўлиб, улардан маҳсулот ишлаб чиқариш ва (ёки) фойдаланиш); иккинчидан, иқтисодиёт хусусиятлари, ҳолатининг ўзига хослиги ва унинг технологик асоси; учинчидан, ижтимоий ва илмий-техник соҳалар, бутун иқтисодиётнинг устувор йўналишлари билан.

Мазкур ҳолатлар таҳлили инвестиция ресурси каби янги технологияларни такрор ишлаб чиқаришнинг қуйидаги хусусиятларини ажратишга асос булади:

- илмий-техник, ташкилий-бошқарувчилик каби дастлабки илмий билимлар мажмуининг бир бутунлиги;

- ижтимоий, руҳий ва бошқа билимлар. Уларнинг мавжудлиги иқтисодиётнинг замонавий макроиқтисодий тизимларни такрор ишлаб чиқариш қобилиятини белгилайди, улар бошланғич инновацион ресурс сифатида чиқади;

- ягона такрор ишлаб чиқариш жараёнининг барча босқичларида, шу жумладан, тақсимлаш-айирбошлаш жараёнида меҳнатни интеллектуаллаштириш юқори даражаси;

- одатда янги техникани такрор ишлаб чиқариш, аниқроғи, технологияларни такрор ишлаб чиқариш вақтида устувор бир қанча такрор ишлаб чиқариш жараёнлари билан узвий алоқаси;

- хўжалик тизимини инновацион тараққиёт йўлига ўтказишга, ишлаб чиқариш аппаратини янгилашга белгиловчи таъсири;

- яққол ифодаланган тармоқлараро ва минтақалараро хусусият;

- фойдаланилаётган инвестиция ресурсларининг кўпроқ ялпи самарадорлиги;

- янги тизимли техникани такрор ишлаб чиқаришда ҳам фан, ишлаб чиқариш ва истеъмол босқичида ишлаб чиқаришнинг давом этиши сифатида бозорнинг юқори интеграцияси;

- инвестиция манбаларининг хилма-хиллиги, амалда барча турдаги капитал турларидан (акционерлик, венчур, амортизацион, банк, облигацион, пайли ва ҳ.к.) фойдаланиш.

Самуэльсон П.[17], инвестиция деганда иқтисодий ва (ёки) ижтимоий самара олиш мақсадида капитал қўйиш; капитални такрор ишлаб чиқаришга (уни кенгайтириш ва қўллаб-қувватлашга) йўналтирилган харажатлар; ушбу даврдаги ишлаб чиқариш фаолияти натижасида капитал мол-мулк қийматининг жорий ўсими; мазкур даврда истеъмол учун фойдаланилмаган даромад қисмини тушунади.

Гарчи “инвестициялар” тушунчасининг турли муаллифлардаги талқини турлича бўлсада, уларнинг асл мазмуни қуйидагича: инвестициялар – бу пул маблағлари, интеллектуал мулк, бинолар, иншоотлар бўлиб, уларни келажакда кенгайтириш мақсадида жорий истеъмол учун ишлатилмайди, бунинг натижасида иқтисодий, ижтимоий ва бошқа самаралар олиниши зарур. “Инвестиция” тушунчасининг келтирилган барча таърифлари мазкур мақсадга инновацияларга қўйилмалар йўли билан эришиш мумкинлиги тўғрисида хулоса қилиш учун асос бўлади. Шу сабабли инновацион фаолият натижасида бирданига эмас, балки маълум вақт ўтгандан кейин

иқтисодий, ижтимоий ва бошқа самаралар олинади. Бу узоқ муддатли хусусиятга эга бўлган “инвестициялар” тушунчасига мос келади.

Агар “инновация” тушунчасига эътибор қаратадиган бўлсак, Л. М. Гохберг, Э.А.Уткин, С.И.Абрамов каби кўпгина муаллифлар бу тушунчада илмий тадқиқот ёки ихтиро натижасида ишлаб чиқаришга жорий қилинган, аввалги ўхшашидан сифат жиҳатдан фарқланадиган янги объект ёки такомиллаштирилган маҳсулот кўринишида ифодаланган инновацион фаолият пировард натижасини назарда тутганлар[3,21].

Ушбу вазиятда босқичма-босқич инвестициялашни ажратиш ва ўрганиш мақсадга мувофиқ. Агар инновациялар – бу аниқ объект кўринишидаги илмий фаолият натижаси бўлса, ғоянинг туғилишидан то аниқ объектни ишлаб чиқаришгача бўлган босқич – бу янгилик бўлиб, мазкур босқичларда даромад келтирмайди, аммо келажакда самара олишга ёрдам беради. Бу эса “инвестиция” тушунчасига мос келади. Шу нуқтаи назардан “янгиликларга инвестициялар” ва “инновацияларга инвестициялар” тушунчасини ажратиш зарур. Улардан ҳар бири учун мос равишда, молиялаш турли манбалари мос келади.

“Инновацион инвестициялаш”, “инновацияларга инвестициялар”, “янгиликларга инвестициялар” каби тушунчаларни кўриб чиқамиз ва чегаралаймиз. Инновацион инвестициялаш – инновацияларни инвестициялашнинг янги шаклидир (инновацияларни молиялашнинг янги манбалари кўзда тутилади). Инновацияларга инвестициялар – инновация ресурсларини такрор ишлаб чиқаришга қўйиладиган ёки инновациялар кўринишида жалб қилинадиган (техника, технология, янги малакага эга бўлган кадрлар, ахборот ресурслари, интеллектуал ресурслар ва бошқалар) маблағлардир.

Янгиликларга инвестициялар – қайсидир фаолият соҳасига унинг самарадорлигини ошириш бўйича фундаментал, амалий тадқиқотлар, ишланмалар ёки экспериментал ишларнинг расмийлаштирилган натижасига инвестиция қўйилмаларидир. Янгиликлар қуйидаги кўринишларда расмийлаштирилиши мумкин: кашфиёт, ихтиро, патентлар, товар белгилари, рационализаторлик таклифлари, янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот, технология, бошқарувчилик ёки ишлаб чиқариш жараёнида ҳужжатлаштириш; ташкилий, ишлаб чиқариш ёки бошқа тузилмалар, ноу-хау, тушунчалар, илмий ёндашувлар ёки тамойиллар, ҳужжатлар (стандартлар, тавсиялар, услублар, кўрсатмалар ва ҳ.к.), маркетинг тадқиқотлари натижалари ва б.

Шундай қилиб, инновацион фаолиятнинг ресурс таъминоти асосини инвестициялар ташкил этади. Уларнинг мавжуд эмаслиги янгиликларни яратиш ва жорий этиш жараёнининг имконсизлигига олиб келади. Инвестициялар ва инновацияларнинг ўзаро боғлиқлигини инвестициялар иқтисодий, илмий, ташкилий, экологик, ижтимоий ва бошқа соҳаларга қўйилиши мумкинлигида ҳам кўриш мумкин. Ва фақат инновацион ёндашувгина мазкур соҳаларга инвестициялар қўйишдан сезиларли самаралар ва кутилаётган натижалар беради.

#### **Тадқиқот методологияси**

Тадқиқот диалектик дунёқараш тамойиллари асосида бажарилди. Инновация ва инвестиция жараёнларини ўрганишда иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга узвийликда ва тизимли ёндашув услуги қўлланилди. Маълумотлардан хулоса

чиқаришда мантиқий таҳлил, синтез, умумлаштириш, индукция ва дедукция усулларидан фойдаланилди.

### **Таҳлил ва натижалар**

Мамлакатимиз иқтисодиётини таркибий ўзгартириш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестицияларни жалб қилиш борасида бажарилаётган ишлар алоҳида эътиборга лойиқ. 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик ва инновацион ғояларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобидан унинг рақобатдошлигини ошириш йўналишида корхоналарнинг маблағлари, ЎзТТЖ, тижорат банклари кредити, хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобидан 2017 - 2021 йилларда умумий қиймати 40 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги 649 та инвестиция лойиҳасини назарда тутувчи тармоқ дастурлари амалга оширилади. Натижада келгуси 5 йилда саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш 1,5 баробар, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 33,6 фоиздан 36 фоизга, қайта ишлаш тармоғи улуши 80 фоиздан 85 фоизга ошади.

2018 йилда 18 та давлатлараро расмий ташрифлар амалга оширилди ва 52 миллиард АҚШ долларилек 1 минг 80 та лойиҳа бўйича келишувларга эришилди. Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Ислон ва Осиё тараққиёт банклари, бошқа халқаро молия институтлари билан ҳамкорликдаги инвестициялар ҳажми 8,5 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Бугунги кунда юртимизда, чет эл инвестициялари ҳисобидан қиймати 23 миллиард АҚШ долларилек 456 та лойиҳа амалга оширилмоқда.

2019 йилда барча манбалар ҳисобидан қарийб 138 триллион сўмлик ёки 2018 йилга нисбатан 16 фоиз кўп инвестицияларни ўзлаштириш мўлжалланмоқда. Бу борада тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдори жорий йилга нисбатан қарийб 1,5 баробар оширилиб, 4,2 миллиард АҚШ долларига етказилади. Натижада 142 та замонавий корхона ишга туширилади.

Саноат сиёсатидаги асосий устувор аҳамият институционал ислохотларнинг сифатини ошириш ва тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очиб бериш, саноат ишлаб чиқаришини модернизация ва диверсификация қилиш, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, ўрта ва узоқ муддатли даврда саноатни ривожлантириш бўйича дастурий чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилди. Саноатни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш лойиҳалари, шунингдек, 2015-2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сарфи ҳажмини қисқартириш, энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари дастурининг ҳаётга самарали татбиқ этилиши натижасида республика ЯИМга сарфланадиган энергия сарфини 7,4 фоиз ҳамда йирик корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархини эса ўтган йилга нисбатан ўртача 10,6 фоиз камайтиришга эришилди.

Ўзбекистонда автомобилсозлик, нефтгазкимё мажмуаси, нефткимё машинасозлиги, фармацевтика, тўқимачилик саноати, радиоэлектроника саноати каби соҳалар ишлаб чиқаришни доимий равишда модернизация қилиш ва илм-фан



ютуқларидан кенг фойдаланишни тақозо этади. Шу боис, саноат корхоналарига энг замонавий техника ва технологияларни жалб этиш бугунги кундаги устувор вазифалардан бири сифатида долзарблигича қолмоқда.

Таҳлил натижалари кўрсатишича, саноат ишлаб чиқаришининг қўшимча ўсиши 1994 йилда аввалги йилга қараганда 1,6 % бўлган бўлса, 2010 йилда 8,5 %ни, 2017 йилда эса 7,0 %ни ташкил этган, 2010 йилга нисбатан 2017 йил -17,6 %га камайган бўлсада, ушбу йиллар оралиғида ўртача 7,6 фоизга ўсганлигини кўришимиз мумкин (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Саноат тармоғининг асосий кўрсаткичлари динамикаси

| Кўрсаткич  | Йиллар |      |      |      |      |      |      |       |       | 2017<br>йилда<br>2010<br>йилга<br>нисба-<br>тан |
|--|--------|------|------|------|------|------|------|-------|-------|---|
|  | 1994   | 1998 | 2002 | 2006 | 2010 | 2014 | 2015 | 2016  | 2017  |   |
| Саноат маҳсулоти<br>(амалдаги нархларда),<br>трлн.сўм                      | х      | х    | х    | х    | 38,1 | 84,0 | 97,6 | 111,9 | 144,2 | 166,9   |
| Саноат маҳсулотининг<br>қўшимча ўсиши, %                                   | 1,6    | 3,6  | 8,5  | 10,8 | 8,5  | 8,3  | 7,9  | 6,2   | 7,0   | 82,3  |
| Ялпи ички маҳсулотда<br>саноатнинг улуши<br>(қурилишни қўшган<br>ҳолда), % | 17,0   | 14,9 | 14,5 | 22,1 | 23,9 | 24,2 | 33,0 | 32,9  | 33,5  | 140,2   |

Манба: Ўзбекистон саноати. Статистик тўплам. Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, 2016. 32-б.; Промышленность Узбекистана. Статистический сборник. Ташкент: Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике, 2006. –стр. 27.; Промышленность Узбекистана.

Саноатнинг ЯИМдаги улуши 2000 йилгача пасайиб борган бўлсада, кейинги йилларда ошиб борган. Яъни таҳлил қилинаётган йилларни қараб чиқсак, 2010 йилда 2002 йилга нисбатан 64,8 фоизга, 2017 йилда 2010 йилга нисбатан эса 40,2 фоизга ошганлигини кўришимиз мумкин. Бунинг натижасида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш таққослама баҳоларда 2017 йилда 2010 йилга нисбатан қарийб 1,67 мартага ошган. Таъкидлаш лозимки, айрим йилларда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) суръатларига нисбатан ялпи саноат маҳсулоти (ЯСМ) суръатларининг юқорилиги ҳам кўзга ташланади.

2-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2005-2017 йилларда асосий капиталга қилинган инвестициялар ҳажмида ёқилғи саноатининг улуши юқори бўлган. Бу эса соҳани модернизация қилиш кўламининг кенглиги ҳамда аҳоли, саноат корхоналари, хизматлар соҳаси ва бошқа субъектларни табиий газ ва электр энергияси билан таъминлаш билан бир қаторда, жаҳон бозорида газ нархи ошиб боргани билан изоҳланади.

2016 йил 21 декабрдаги ПҚ–2687-сонли “2017–2019 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги қарори билан 2017–2019 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш дастури тасдиқланди. Ҳужжат тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини модернизациялаш, диверсификациялаш ва жадал ривожлантиришни таъминлаш, пахта толаси ва ипак хомашёсини чуқур қайта ишлаш, хорижий

инвестицияларни кенг жалб этиш йўли билан рақобатбардош, ташқи бозорларда талаб қилинадиган тайёр, экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ва турларини кенгайтиришга қаратилган.

## 2-жадвал

### Ўзбекистон саноат тармоқларига киритилган инвестицияларнинг таркиби, фоиз

| Саноат тармоқлари                    | Йиллар |      |      |       |      |      |      |      |
|--------------------------------------|--------|------|------|-------|------|------|------|------|
|                                      | 2005   | 2010 | 2011 | 2012  | 2013 | 2014 | 2015 | 2017 |
| Жами саноат, шу жумладан:            | 100    | 100  | 100  | 100   | 100  | 100  | 100  | 100  |
| Электр энергетикаси                  | 7,9    | 16,7 | 13,6 | 10,7  | 10,8 | 10,3 | 11,3 | 12,3 |
| Ўқилғи                               | 25,9   | 23,4 | 31,0 | 39,10 | 42,3 | 48,1 | 52,9 | 46,9 |
| Металлургия                          | 19,6   | 17,9 | 13,0 | 8,2   | 9,5  | 8,0  | 5,5  | 5,5  |
| Кимё ва нефткимё                     | 6,9    | 4,2  | 3,0  | 6,7   | 5,9  | 4,6  | 5,8  | 4,5  |
| Машинасозлик ва металлга ишлов бериш | 4,1    | 11,2 | 13,6 | 11,8  | 8,5  | 5,6  | 5,4  | 5,0  |
| Қурилиш материаллари                 | 3,5    | 8,3  | 4,4  | 5,3   | 5,6  | 5,7  | 4,3  | 4,4  |
| Енгил саноат                         | 15,2   | 8,4  | 10,5 | 8,6   | 7,9  | 6,9  | 4,4  | 6,1  |
| Озиқ-овқат                           | 5,7    | 5,5  | 4,9  | 4,9   | 4,8  | 5,8  | 4,0  | 4,1  |
| Бошқалар                             | 11,2   | 4,4  | 6,0  | 4,7   | 4,7  | 5,0  | 6,4  | 8,2  |

Манба: Ўзбекистон саноати. Статистик тўплам. Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, 2016. 44-б.; Промышленность Узбекистана. Статистический сборник. Ташкент: Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике, 2006. –стр. 36.; Промышленность Узбекистана. Статистический сборник. –Ташкент: Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике, 2012. –стр. 34. Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси. 2017 йил январь-декабрь. –Т.: 2017. –Б. 60. Тўпламлар маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

1 январдан бошлаб тўқимачилик ва тикув-трикотаж тармоғининг ноозиқ-овқат истеъмол товарлари экспортдан олинган хорижий валютадаги тушумнинг бир қисмини ваколатли банкларга мажбурий сотиш бекор қилинди. 2020 йилга қадар республикада ишлаб чиқарилмайдиган, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича четдан келтириладиган технологик асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар, тўқимачилик ва тикув-трикотаж тармоғининг ўрнатилган технологик ускуналарига эҳтиёт қисмлар ва бутловчи буюмлар (улар ҳам рўйхат асосида) божхона тўловларидан (божхонада расмийлаштириш йиғимлари бундан мустасно) озод қилинади.

Бир қатор хорижий шериклар, шу жумладан, Швейцариянинг “Rieter AG” билан биргаликда тўқимачилик ускуналари ишлаб чиқариш ташкил этилди. “Uztex Group” ва “Osborn Textile” интеграциялашган мажмуалар тузилди. Жаҳон тўқимачилик саноатининг йирик катнашчилари билан шерикликда пахта толасини қайта ишлашга ихтисослашган “IndoramaTextiles”, аралаш ип ва газлама ишлаб чиқариш бўйича “LT Textile International” корхоналари фаолияти йўлга қўйилган.

Ҳозирда 2018-2021 йилларга мўлжалланган ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, диверсификациялаш ва модернизациялаш дастурига кўра, умумий қиймати 2,5 млрд. АҚШ доллари билан иборат 130 дан зиёд инвестиция лойиҳасини амалга ошириш белгиланган. 2017 йил 1 июлидан Ўзбекистон – Европа Иттифоқи ўртасидаги тўқимачилик протоколининг кучга киргани алоҳида аҳамият касб этиб, бу ҳужжат асосида тўқимачилик товарларининг икки томонлама савдосини кенгайтириш орқали мамлакатимизнинг Европа Иттифоқи билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантиришга эришилиши кутилмоқда.

2017-2021 йилларда ипакчилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирларига оид дастурга кўра, 20 та ипак қурти уруғини, 30 та пиллани қайта ишлаш заводини модернизациялаш ишлари олиб борилмоқда. Пиллани чуқур қайта ишлашга ихтисослашган 11 та янги корхона тузиш, улардан айримларини жорий йил охиригача ишга тушириш режалаштирилган. Дунёга машҳур “Van De Wiele”, “Picanol” ва “Reggiani” компаниялари билан янги технологияларни олиш юзасидан шартномалар имзоланган. Экспорт салоҳиятини кўтариш ва Европа бозорига чиқиш учун Италия ипакчилик уюшмаси билан ҳамкорлик ўрнатилган, Ўзбекистонда Италия саноат паркини барпо этиш ҳамда биргаликда тайёр ипак маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича шартномаларга эришилган.


Бугунги кунда “Ўзчармсаноат” уюшмаси ўз таркибига 213 та корхонани бирлаштирган бўлиб, уларга инвестицияни жалб қилиш, шунингдек, янги замонавий корхоналарни тузиш, амалдагиларининг тўлиқ қувват билан ишлашини таъминлаш, бунинг учун тўлиқ модернизациялаш ишларига катта эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда тармоқ бўйича инвестиция дастури ишлаб чиқилган ва унга кўра 72 та инвестиция лойиҳасини ҳаётга татбиқ қилиш кўзда тутилган. Тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш кўламининг кенгайиши тармоқ корхоналари экспорт салоҳиятини ҳам ошириши шубҳасиз. Чунончи, 2025 йилга бориб чарм-пойабзал маҳсулотлари экспорти 1,032 млрд. АҚШ долларини ташкил этиши тахмин қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги “2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги фармонида асосан, таркибий ўзгаришлар, модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни диверсификациялашнинг қуйидаги устувор йўналишлари амалга оширилмоқда:

- электроэнергетика саноатида янги қувватларни ташкил қилиш ва мавжудларини изчиллик билан модернизация қилиш;
- нефть-газ ва нефть-кимё саноатида юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва ассортиментларини кенгайтириш;
- нефть-газ ва нефть-кимё саноатида юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва ассортиментларини кенгайтириш;
- кимё саноатида ишлаб чиқариш ва экспортни диверсификация қилиш;
- қишлоқ хўжалиги, юк автомобиллари ва бутловчи қисмларни ишлаб чиқарувчи мавжуд қувватларни кенгайтириш ва янгиларини ташкил этиш;
- текстиль ва чарм-пойабзал саноати маҳсулот таркибини яхшилаш;
- электротехник асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш бўйича юқори технологик қувватларни ўзлаштириш ва ривожлантириш;
- инфорацион технологиялар учун асбоб-ускуналар ва аксессуарлар ишлаб чиқариш бўйича янги қувватларни ташкил қилиш;
- кенг кўламли экологик тоза қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш;
- фармацевтика саноати маҳсулотлари ассортименти ва ишлаб чиқариш ҳажмларини тубдан кенгайтириш;
- озиқ-овқат саноати ишлаб чиқариш салоҳиятини кенгайтириш.

Юқорида келтирилган саноат тармоқларида янги қувватларни ташкил этиш ва мавжудларини модернизация ва реконструкция қилиш учун катта миқдорда

инвестициялар киритилади. Жумладан, 2015-2019 йиллар мобайнида янги қувватларни яратиш учун жами 13 676,9 млн. АҚШ доллари, шунингдек, модернизация учун 4 487,0 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилиши режалаштирилган. Ушбу маблағларнинг катта қисми, асосан, янги қурилишга сарфланишига устуворлик берилган. Жумладан, 2015-2019 йилларда йўналтирилиши режалаштирилаётган жами инвестицияларнинг 79,4 фоизи, чет эл инвестициялари ва кредитларнинг 85,8 фоизи янги қурилишга сарфланади. Саноат тармоқларини модернизация қилишга катта ҳажмда инвестицияларнинг киритилиши ва давлат томонидан корхоналарга солиқ, бож ва бошқа имтиёзларнинг берилиши ҳисобига Ўзбекистон саноатида сифат жиҳатдан ўзгаришлар кузатилади. Жумладан, 2016-2019 йиллар мобайнида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ўсиш суръати йилига 9 фоиздан юқори бўлиши таъминланади.



### 1-расм. Асосий капиталга инвестицияларнинг марказлашган молиялаштириш манбалари

Манба: Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси. 2017 йил январь-декабрь. –Т.: 2017. –Б. 65.

Республика бюджети ҳисобидан амалга оширилган қўйидаги инвестиция лойиҳаларини келтириш мумкин:

- Навоий-Конимех-Мискин темир пул линиясини электрлаштириш ҳамда йўловчи поездларини юқори тезликда юришини ташкил этиш;
- Ички ишлар органлари таянч пунктлари профилактикаси инспекторларига хизмат уйлари қурилиши;
- ирригация тизимини ривожлантириш бўйича чоралар, йирик ва ўта муҳим объектлардан фойдаланиш хавфсизлигини ва ишончилигини ошириш.

Саноат мажмуида амалга оширилган таркибий ўзгаришларда давлатнинг солиқ-бюджет сиёсати, баҳо ва пул-кредит сиёсати, умуман, иқтисодиётни ислоҳ

қилиш бўйича амалга киритилаётган чора-тадбирлар натижасида бир қатор ижобий силжишларга эришилди. Саноат корхоналарини ислоҳ қилиш, таркибий қайта тузиш, саноатда хусусий мулк улушининг янада ошиши, тармоқ корхоналари бошқарувини бозор тамойиллари асосида шакллантириш саноат ривожланишида муҳим ўрин эгаллайди. Мамлакатимизда саноатнинг тармоқ тузилиши 2016 йилдан халқаро андозаларга мувофиқ келувчи иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичи (ИФУТ) га мослаштирилди. Шунга кўра саноат тармоғи ИФУТ нинг 4 та секциясида гуруҳланади: Секция В “тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш”, Секция С “ишлаб чиқариш саноати”, Секция Д “электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш” ва Секция Е “сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш”.

### 3-жадвал

#### Саноат маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби (%) ва динамикаси

| Кўрсаткичлар  | 2010й | 2012й | 2014й | 2015й | 2016й | 2017й | 2017 йил<br>2010<br>йилга<br>нисбатан,<br>% |
|---|-------|-------|-------|-------|-------|-------|---|
| Жами саноат маҳсулоти   | 100,0 | 100,0 | 100,0 | 100,0 | 100,0 | 100,0 | 166,9                                       |
| В.Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш  | 15,0  | 14,7  | 11,0  | 11,1  | 9,6   | 12,7  | 136,6                                       |
| Кўмир, лигнит,нефть ва табиий газ қазиб чиқариш   | 10,7  | 10,8  | 7,1   | 7,2   | 5,5   | 8,1   | 148,5                                       |
| Металл рудаларини қазиб олиш  | 3,6   | 3,3   | 3,2   | 3,2   | 3,2   | 3,7   | 114,0                                       |
| Бошқа турдаги тоғ-кон саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш   | 0,2   | 0,3   | 0,4   | 0,4   | 0,4   | 0,5   | 3,4марта                                    |
| С.Ишлаб чиқарадиган саноат  | 73,8  | 75,8  | 79,9  | 79,0  | 80,3  | 78,1  | 177,3                                       |
| Озиқ-овқат, ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш   | 18,0  | 18,3  | 20,4  | 22,4  | 23,9  | 19,6  | 182,0                                       |
| Тўқимачилик, кийим, тери маҳсулотларини ишлаб чиқариш   | 14,4  | 15,3  | 15,1  | 16,0  | 16,7  | 14,6  | 173,2                                       |
| Ёғоч ва пўкак буюмлар, поҳол ва тўқиш учун материаллар, қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари, мебель ишлаб чиқариш | 1,0   | 1,1   | 1,9   | 2,0   | 2,6   | 2,4   | 3,1марта                                    |
| Ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш   | 0,5   | 0,6   | 0,6   | 0,6   | 0,8   | 0,9   | 2,7марта                                    |
| Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотларини ишлаб чиқариш   | 4,7   | 3,9   | 3,6   | 3,2   | 2,6   | 2,6   | 89,0  |
| Кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмларини ишлаб  | 6,6   | 6,6   | 6,9   | 7,1   | 8,9   | 9,3   | 199,0                                       |

Манба: Манба: Ўзбекистон саноати. Статистик тўплам. Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, 2016. –Б.34.Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси. 2017 йил январь-декабрь. –Т.: 2017. –Б. 16, 37.

Республикаимизда ИФУТ янги структураси бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда таркибий ўзгаришлар ва тармоқлар улуши 3-жадвалда келтирилган

маълумотлар билан тавсифланади. Жадвал маълумотлари шундан далолат берадики, республикамизда 2010 йилда жами саноат маҳсулотининг 15,0 фоизи тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлашда яратилган бўлса, 73,8 фоизи қайта ишлаш саноатига тўғри келган, 2016 йилга эса бу кўрсаткичлар тегишли равишда 12,7 ва 78,3 фоизни ташкил этган, яъни 2010 йилга нисбатан 2,3 банд фоизга пасайган ва 4,3 банд фоизга ошган. 2017 йилда 2010 йилга нисбатан саноат маҳсулотлари ҳажми қарийб 1,67 мартага кўпайиб, ўртача йиллик қўшимча ўсиш суръатлари 7,7 фоизни ташкил қилди. Айрим саноат маҳсулотлари турларини ишлаб чиқариш суръатларининг ўсишини 2010 йил даражасига таққослайдиган бўлсак, 2017 йилда бу кўрсаткичлар бир неча марта ўсганини кўришимиз мумкин [23].

Бугунги кунда саноатни ривожлантиришнинг асосий омиллари қуйидагилар бўлиши кўзда тутилмоқда:

- қурилиш материаллари индустриясини ривожлантириш;
- саноатни ривожлантиришда банк кредитлари таъсирчанлигини ошириш;
- маҳаллий хомашёни қайта ишлаш;
- маҳаллийлаштириш дастури ва Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси доирасида яратилган имтиёз ва преференциялардан кенг фойдаланиш;
- ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспорти кўламини кенгайтириш, кичик корхоналар маҳсулотларини экспортга йўналтиришга кўмаклашиш.

#### **Хулоса ва таклифлар**

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан хулоса қилиш мумкинки, кейинги йилларда жаҳон иқтисодиётида сақланиб қолаётган инқироз ва турли салбий тенденцияларга қарамай, Ўзбекистонда олиб борилаётган изчил сиёсат эвазига ижобий натижаларга эришилмоқда, иқтисодиётимиз тармоқларида жиддий таркибий ва сифат ўзгаришлари кузатилмоқда. Ушбу омиллар, биринчи галда, халқимиз турмуш фаровонлигининг юксалишига ва мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеини мустаҳкамланишига олиб келади ва иқтисодиётда барқарор ўсиш даражасини таъминлайди.

Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ривожланишига эришиш жараёни бевосита инновацион фаолият билан боғлиқ, барқарор ривожланишга ўтиш инновацияларни амалга ошириш жараёни билан белгиланган, бу эса фаол инвестиция сиёсати олиб боришни тақозо этади.

Миллий иқтисодиёт иқтисодий ўсишини таъминлаш мақсадлари учун мамлакат иқтисодий тараққиётининг ҳозирги шароитида республика товар-технологик ихтисослашувидаги ишлаб чиқаришларни табиий ресурслар билан таъминланганлик ва экологик хавфсизлик талабларини ҳисобга олиб, стратегик истиқболда инновацион-инвестицион ривожлантиришнинг қўшимча бозор рағбатлари тизимини яратиш зарур.

Иқтисодий ўсиш миллий иқтисодиётда сифат ўзгаришлари ва ишлаб чиқаришни технологик модернизация қилиш учун зарур инвестицион ресурслар билан таъминлашга лаёқатлидир.

Келгусида мамлакат саноати ривожланишини таъминловчи қуйидаги йўналишларни таклиф этамиз:

- инвестицион ишлаб чиқаришларни ривожлантириш, кенг кўламли эҳтиёжларни қондиришга қаратилган, илмий асосланган лойиҳалар ишлаб чиқиш;

- корхоналарда инновацион салоҳиятни қўллаб-қувватлаш, юқори илм ва технология талаб қиладиган янги корхоналар ташкил этиш ва импорт маҳсулотлари билан рақобатлаша оладиган янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;
- ривожланган мамлакатларнинг юқори илм талаб қиладиган sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи замонавий техника-технологияларини импорт қилиш сиёсатини жадаллаштириш;
- sanoatда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушини ошириш ва бошқалар.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабрь.<http://president.uz>.
2. Авсянников Н. М. Инновационный менеджмент.- М.: РУДН, 2002. -173 с.
3. Абрамов С. И. Инвестирование. -М.: Центр экономики и маркетинга, 2000. - 435 с.
4. Валдайцев С. В. Оценка бизнеса и инновации.- М.: Филин, 1997. -336 с.
5. Валента Ф. Управление инновациями. -М.: Прогресс, 1985. -258 с.
6. Глазьев С. Ю. Теория долгосрочного технико-экономического развития.-М.: Влад -Дар, 1993. -310 с.
7. Завлин П. Н. Инновационный менеджмент: справочное пособие. -М.: Центр исследований и статистики науки, 1998. -568 с.
8. Кейнс Дж. Общая теория занятости, процента и денег. -М.: Прогресс, 1978. - 495 с.
9. Кулагин А. С. Немного о термине «инновация». URL: <http://dommo.innov.ru>
10. Лапин В. Н. Социальные аспекты управления нововведениями // Проблемы управленческих нововведений и хозрасчетного экспериментирования. Всесоюзная научно-практическая конференция: сборник статей. -Таллинн, 1981. С. 21–23.
11. Мыльник В.В. Инвестиционный менеджмент.-М.: Академический проект, 2003. -270 с.
12. Медынский В. Г. Инновационный менеджмент. -М.: ИНФРА, 2004. -295 с.
13. Никсон Ф. Роль руководства предприятия в обеспечении качества и надежности / пер. с англ. - М.: Издательство стандартов, 1990. -231 с.
14. Пиннинг И. П. Новая технология как организационное нововведение // Новая технология и организационные структуры. -М.: Экономика, 1990. С. 21–30.
15. Раппопорт В. Диагностика управления: практический опыт и рекомендации. - М.: Экономика, 1988. -125 с.
16. Ромаш М. В., Шевчук В. И. Финансирование и кредитование инвестиций. - Минск: «Книжный дом», «Мисанта», 2004. -157 с.
17. Самуэльсон П. Экономика / Пер. с англ.- М.: НПО «Алгон», 1992. Т. 1. - 333 с.
18. Санто Б. Инновация как средство экономического развития.- М.: Прогресс, 1990. -295 с.
19. Современный экономический словарь / Под ред. Б. А. Райзберга, Л. Ш. Лозовского, Е. Б. Стародубцевой. -М.: ИНФРА, 2002. -478 с.

20. Твисс Б. Управление научно-техническими нововведениями / сокр. пер. с англ. -М.: Экономика, 1989.-271 с.
21. Уткин Э. А. Инновационный менеджмент. -М.: Акапис, 1996. -208 с.
- 22.Хартманн Хауштайн. Гибкая автоматизация / сокр. пер. с нем.- М.: Прогресс, 1990. -200 с.
- 23.Хужакулов Х.Д., Сайфуллаев С.Н. Ўзбекистон саноати тармоғининг таркибий ўзгаришларини халқаро таснифлаш асосида статистик ўрганиш. //Иқтисодиёт ва таълим. 2017, 6-сон, б. 129 ва 133.
- 24.Шумпетер Й. Теория экономического развития: исследование предпринимательской прибыли, капитала, кредита, процента и цикла конъюнктуры. - М.: Прогресс, 1982. -455 с.
25. Энциклопедия рынка/ Под ред. академика Б. Г. Дякина. -М., 1996. Т. 3. - 396С.
26. Яковец Ю. В Ускорение научно-технического прогресса: Теория и экономический механизм. -М.: Экономика, 1988. -335 с.